

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

● 2006-yil ● 7-oktabr ● Shanba ● 119 (27.611) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



● «Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники»

ИСТИҚБОЛ ОМИЛЛАРИ



Кувасой шахридаги «Кварц» акциядорлик жамияти мамлакатимиз саноят тизимига ўз мавқеига эга йирик, иқтисодий юксалётган корхонлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган турли ҳажмдаги хилма-хил шиша идишлар ва ўн олти турдаги банклар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Шунингдек, бу ерда автомобиллар учун ойналар, темир йўл вагонлари учун ойналар, меъморчиликда қўлланиладиган безакли ойналар ва мамлакатимиз мебель саноятида қўлланиладиган чидамли, силлиқ ва сифатли ойна маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда. Сўнгги йилларда жамиятда маҳсулот сифати-га бўлган алоҳида эътибор ва ишининг унумли ташкил этилганлиги қўлга киритилган муваффақиятлар гарови бўлмоқда.


Корхона аҳли бор имкониятларини ишга солган

қолда маҳсулот турларини кўпайтиришга эътибор қаратмоқдалар. Шунинг таъкидлаш лозимки, «Кварц» маҳсулотлари

кўплаб чет мамлакатларда ўтказилаётган тури нуфузли кўргазмаларда намойиш этилган, фахрли ўринлар билан тақдирланган.

Корхона буюртмачиларга ва истеъмолчиларга ҳар йили йиғирма беш миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш қувватига эга.

Суратларда: назоратчи Гулнора Тешабоева; корхонанинг ташқи ва ички кўринишлари, Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар



ЎзХДП шаҳар кенгашларида ФАОЛЛАР ФИКРЛАШДИЛАР

Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгашида партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди

Йиғилишда партия шаҳар кенгаши раиси Дилбар Имомова «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 15 йиллигини муносиб кўтиб олиш ва Самарқанд шаҳар партия ташкилоти иш-ни фаоллаштириш вазифалари» мавзусида маъруза қилди.

— Кейинги йиллардаги ўз-бўларчилик туфайли партия шаҳар кенгаши ўз нуфузини йўқотди, — деди нотиқ. — Энди нима қилиш керак? Йўл қўйилган хато-камчиликларни тўзатиш ва ишда ташаббус кўрсатиш, партия ташкилоти нуфузини тиклаш лозим. Бунга куч ҳам, имконият ҳам бор. Аммо, ХДПдан сайланган депутатлар, фаолларимиз, «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари, хотин-қизларимиз сиёсий жабҳада фидойилик кўрсатмас экан, ҳеч нарсага эриша олмаيمиз.

Депутатлар барча жабҳада ташаббускор бўлишлари лозим. Масалан, бугун шаҳар қишга тайёрми? Бу борада улар те-

гишли ташкилотларнинг пинагини бузиши, керак бўлса жойларда амалий ёрдам кўрсатиши лозим. Қиш мавсумида электр энергияси ва табиий газ таъминотида узиллиш бўлмаслиги ким кафолат беради?! Керакли ташкилотларга амалий таърифлар билан чиқиш лозим, деб уйлайман.

Шавкат ШИРИНБОВЕВ, партия фаоли:

— Партия шаҳар кенгашида йўл қўйилган хато-камчиликлар ўз вақтида биз оқсоқолларни ташвишга солмагани ачинарли ҳол. Жамоатчилик назоратини йўқотдик. Энди яна изга тушиб олиш учун бошланғич ташкилотлар ишини замон талабларига мослаш керак. Бугун ҳар бир партия аъзоси ғояларимизга содиқ қолиб ҳаракатларини давом эттирмас экан, ишимиз ўлжа бўлади қилиб кетаверади.

Нега шаҳар жамоат транспортларида йўл ҳақи ўз-ўзидан ошиб кетаяпти? Шаҳар ҳокими

қарори билан йўл ҳақи масофага қараб 100 сўмдан 150 сўмга қилиб белгиланган эди. Бугунги кунда бу нарх 300 сўмга чиқиб кетди. Шаҳар ҳуқуқ-тартибот, солиқ тизимининг раҳбарлари, мутасадди кишилар нега бунга эътибор беришмайди? Нега маҳаллий ҳокимият ўз қарори ижросини бажаролмаяпти?!

Азиз ЮНУСОВ, ХДП вилоят кенгаши «Донишманд» оқсоқоллар гуруҳи раиси, меҳнат фахрийси:

— Тўғри, шаҳар партия кенгашида кейинги йилларда изчиллик, принципиаллик йўқолди. Ишлар боши берк кўчага кирди қолди. Бундан чиқиб кетиш йўллари ҳақида айтаёلمиз. Биз сиёсий партияга ҳамфир, ҳамқадам бўлиб бирлашганмиз. Албатта, турфа фикрлар ҳар бир муаммога аниқлик киритади. Партия аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилганлиги ва уларга янги билетлар топширилаётган-

ни ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарбияти ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори партияимиз фаолияти учун дастуриламал бўлиши лозим. Ўзликни англаш, Ватан ва миллатни танишининг бош омил бўлган маънавият ва маърифат масалалари халқимиз учун муқаддас туйғу.

Йиғилишда сўзга чиққанларнинг барчаси йўл қўйилган хато-камчиликларни тезроқ тўзатиш ва бажарилиши лозим бўлган юмушлар ҳақида таклифлар айтдилар. Эндиги асосий вазифа сиёсий майдонда фаоллик кўрсатиш.

Шунингдек, йиғилишда бир гуруҳ депутатлар, оқсоқоллар ва ёшларга партия янги гувоҳномалари топширилди.

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши мутабоот хизмати

Тадбир ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

«ЭКОСАН» халқроқ ташкилоти Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда «Қишлоқда турмуш маданиятининг иқтисодий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мавзусида тадбир ўтказди.

Унда таъкидландики, қишлоқда турмуш маданиятини оширишнинг муҳим қирраларидан бўлган санитария-гигиена ва экологик савияни кўтариш Марказий Осиё шароитида алоҳида эътиборни тақозо этади.

«ЭКОСАН» томонидан ташкил қилинган текширувлар шуни кўрсатдики, айрим қишлоқларда шарт-шароит ва хизматлар санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Жамоатчилик ҳаммомлари ўз фаолиятини тўхтатган.

Санитария-гигиена маданиятини тарғиб қилишда жамоат ташкилотлари тегишли вазирлик ва идоралар, айниқса, халқ таълими тизими билан ҳамкорликда фаолиятини янада кучайтириши лозимлиги тадбирда алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнггида қишлоқ аҳолиси турмушида ишлатиладиган маший, санитария-гигиена ва бошқа халқ истеъмоли моллари кўргазмаси ташкил қилинди.

Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ

● «Пахта — 2006»

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЯНА ҚАРВОНБОШИЛАР САФИДА

Ҳа, республика деҳқонлари бу йил ҳам пахта етиштириш ва тайёрлашда қарвонбошилиқ қилмоқда. Улар давлатга 185 минг тоннадан кўпроқ пахта сотиб, шартнома режасини муваффақиятли бажардилар

Кўлга киритилган ютқуқ, авваламбор, ўта мураккаб табиий иқлим ва оғир тупроқ шароитида янги технология ҳамда илгор тажрибаларга таянганлиги ҳамда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотлар дадил амалга оширилаётганлиги туфайли эришилди. Дарвоқе, сўнгги йилларда ҳудудда мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз қарорлари асосида 137 та ширкат жамоалари негизда 9050 та фермер ҳўжалиги ташкил топиб, биргина жорий йил пахта ҳўсилининг 98,4 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

РАҚАМЛАР: Бу йил етиштирилган пахтадан олинган даромад 65790 миллион сўмни ташкил қилиб, кўтилатган фойда 13482,7 миллион сўмни, рентабеллик 25,8 фоизни ташкил этмоқда. Залворли хирмон тикланиши йўлида харж қилинган маблағнинг 13865 миллион сўми минерал ўғитларга, 6188 миллион сўми ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига ва 32254 миллион сўми бошқа хил харажатларга сарфланди.

Ҳўжаликларда 106,7 минг гектар майдонга чигит экилди. Ўртача ҳар гектар майдонга 67,3 килограммдан уруғ ташланди. Ҳўзанинг «С-4727», «Оқдарё-6», «Бухоро-6» каби навларидан эрта баҳордаёқ баравж ниҳоллар олинди. 75 минг гектардан кўпроқ майдондаги ғўза дефолиацияси олдида 64 та биолобараторияда 795,8 килограмм трихограмма, 192,8 миллион дон «Бракон», 238,6 миллион дон «олтинкўз» биомасулотлари ишлаб чиқарилди. 1377 минг гектар майдонда зараркунандлар ва ғўза касалликларига қарши сифат-

ли биологик ишлов олиб берилди. Экиш мавсуми ва ғўза парвариши ишларида қатнашганларга жами 5204,4 миллион сўмлик (механизаторларга 849,7 миллион, сувчиларга 936,6 миллион, биолобаратория ходимларига 120,3 миллион, ғўзаларни яғана қилиш ва ёввойи ўтлардан тозалаш ҳамда бошқа ишлар иштирокчиларига 3297,8 миллион сўмлик) иш ҳақи тўланди.

— Етиштирилган ҳўсиннинг ҳар бир мисқолини нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш саъй-ҳаракатидамиз, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазир Фарҳод Эрманов.** — Мавсумга 217 мингдан кўпроқ теримчи жалб этилди...

Вазирлик ҳисоботидан: «...теримда 1035 та гуруҳга бириктирилган барча иштирокчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Улар меҳнати ҳар беш кунда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилинди. Мавжуд техника воситалари тўла ишга солинди. Кейинги икки йилда фермерларга кредит ресурслари ва лизинг орқали 246 та ҳайдов, 264 та чопиқ, 34 та транспорт тракторлари, 10 та трактор тиркамаси, 152 та культиватор, 128 та чигит экиш сея-

каси, 71 та «ОВХ-600» пуркагич ва бошқа хил агрегатлар олиб келинди.

Бу йил биринчи марта чигит экиб, пахтадан мўл ҳўсил етиштирган Мўйноқ тумани пахтакорлари минтақада пешқадамлик қилдилар. Қораўзақ, Қонлиқўл, Нукус, Тахтақўл, Қўнғирот, Чимбой, Кегайли, Шуманай туманлари миришкорлари мана, бир ҳафтадирки, мажбурийат ҳисобига ҳўсил топширмақдалар. «Юки» энг «оғир» Амударё тумани пахтакорлари бугунгача хирмонга шартномадаги 32700 тонна ўрнига 36 минг тоннадан ошириб ҳомаёш тўкишди. Улар ялли ҳўсинли 40 минг тоннага етказишни кўзлашган.

БИЗНИНГ ИЗОҲ: Эришилган ютуқларга «Улкен есик», «Генжемурат ота», «Жайлан бобо», «Гулзар», «Қарсақ ули Елай», «Рўзимбой бобо», «Бибазарли Сара она», «Таза ака», «Дарёбой-қаксабин», «Ҳабибулла уста», «Солиҳ фарзанд», «Мавлуда-Мансур», «Жиемурат уста», «Тайимбет» каби ўнлаб фермер ҳўжаликлари жамоалари катта ҳисса қўшдилар. Бугунгача уларнинг ҳар бирида ҳисдорлик гектар бошига 3-5 центнергача ошди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



БУХОРОЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАРИ

Бухоролик деҳқонлар давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига етказиб берилган 360 минг тоннадан зиёд қимматли ҳомаёшнинг ҳаммаси юқори навларга сотилди. Ўртача ҳисдорлик салкам 30 центнерни ташкил этди.

Бу юксак меҳнат галабасига Ромитон, Қон, Вобкент, Қоровулбозор, Бухоро туманлари деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар.

Иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши қишлоқ ҳўжалиги равақини таъминловчи муҳим омилга айланди. Ер адолат ва ошкоралик таъминоти мувофиқ ҳақиқий эгаси — фермерларга топширилиши, қишлоқ мулкдорларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда вилоятда 7 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги пахтачилик билан шуғулланмоқда. Етиштирилган ҳўсиннинг 94 фоизи улар ҳиссасига тўғри келаяпти. Бу ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпдир.

— Жорий йилнинг баҳоринда Президентимиз Ислам Каримов вилоятимизда бўлиб, биз, фермерлар билан учрашиб, самимий суҳбатлашган ва деҳқончилик самардорлигини ошириш борасида қимматли маслаҳатлар берган эди, — дейди **Бухоро туманидаги «Ғани Пўлат» фермер ҳўжалиги раҳбари Субҳон Пўлатов.** — Давлатимиз раҳбарининг бу эътибори бизни янада ишқоат билан ишлашга ундади. Натиха ҳам қўвончли бўлди. Ҳисдорлик сезиларли даражада ошди. Табиийки, даромадимиз ҳам шун-

га яраша бўлади. Етиштирилган ҳўсилга сувчилар, механизаторлар, таъминотчилар катта ҳисса қўшди.

Воҳа пахтакорларининг ютуқлари вилоят иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган, толаси жаҳон бозорида харидорларга «Бухоро-6», «Бухоро-8» ва «Бухоро-102» ғўза навларининг тўғри танлангани билан ҳам боғлиқ. Бу навларнинг ихтисослаштирилган уруғчилик ширкат ҳўжаликларида сифатли репродукциялари тайёрлашни йўлга қўйилган.

Йиғим-теримнинг уюшқоқлик билан ташкил этилиши деҳқонлар ва хашарчилар иш унумини оширди. Терилган пахта учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши манфаатдорлик ва рағбатни кучайтирди.

Ҳисоб-китобларга кўра, соҳа рентабеллигининг кескин ошиши, даромад ва соф фойда ҳам ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайиши кутилмоқда.

Вилоят далаларида ҳали ҳўсил кўп. Йиғимни уюшқоқлик билан давом эттираётган бухороликлар ялли хирмон салмоғини 400 минг тоннадан ошириш ниятида.

Эркин ЁДГОРОВ, ЎЗА муҳбири

ЯДРОСИЗ ДУНЁ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига Хиросима ядро қурулини тақиқлаш иттифоқининг «Бирдамлик ва миннатдорлик мактуби» келди.

Хиросима ядро қурулини тақиқлаш иттифоқи — ядросиз дунёни тарғиб қилувчи нодавлат ташкилотидир. У Япониянинг Хиросима шаҳрида фаолият юритувчи қурулсизланиш бўйича 16 дан зиёд турли ташкилот, уюшма ва фуқаролар ҳаракатларини бирлаштиради. Иттифоқ мунтазам равишда жамоатчилик эътиборини ядро қурулининг тарқалиши билан боғлиқ таҳдидларга жалб этишга қаратилган тур-

ли тадбирларни амалга оширади.

«Хиросима ядро қурулини тақиқлаш иттифоқи (HAWNA) номидан Сизни Марказий Осиё ядро қурулидан ҳоли ҳудудга айлантирилгани билан чин дилдан таъриқлаймиз, — деб ёзади иттифоқ директорлари профессор Митсуо Окамото ва Харуко Моритаки. — 2000 йил майда бўлиб ўтган ядро қурулини тарқатмаслик тўғрисидаги конференция айтирли натижаларни бермади, жаҳон ҳамжамияти 2000 йилда ўз зиммасига олган мажбуриятлардан орта чекинганини намоён этди.

налин ҳеч қандай шартларсиз йўқ қилиш» мажбуриятини ифода этилган тарихий ҳужжатни қабул қилди ва ядросиз дунё томон ташланган муҳим қадамдек туюлган эди.

Бирок 2005 йилда бўлиб ўтган ядровий қурулини тарқатмаслик тўғрисидаги конференция айтирли натижаларни бермади, жаҳон ҳамжамияти 2000 йилда ўз зиммасига олган мажбуриятлардан орта чекинганини намоён этди.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'lari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANKORI!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР!

Хизматлар лицензияланган

ФАУНА:

ФАҚИРЛАШИБ БОРАЁТГАН ОЛАМ

инсоннинг табиатга нооқилона муносабати, табиий ресурслардан пала-партиш фойдаланиши, антропоген факторларнинг биохилма-хилликка салбий таъсири натижасида ҳайвонот оламидаги баъзи турлар қарилиб кетди, яна бир қанчаси эса йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди



● Табиат ва биз

Ўзбекистон табиати миллий бойлигимизнинг ажралмас бўлагидир. Бузувчимизда ҳудудимиз биохилма-хиллигини соф ҳолича асраш ва келгуси авлодларга етказишдек ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа турибди.

Жаҳон фаунасининг халқаро «Қизил рўйхат»-ларида (2003 йил) асосланган тахминларга кўра, кейинги 400 йилда сут эмизувчиларнинг 74 тури, қушларнинг 129 тури, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, амфибия — (қуруқликда ва сувда яшовчи)ларнинг 7 тури, балиқларнинг 81 тури, моллюскаларнинг 291 тури, қисқичбақасимонларнинг 8 тури, ҳашаротларнинг 72 тури, охиофораларнинг 3 тури ва турбелларнинг 1 тури ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетди. Шунингдек, ҳайвонларнинг 33 тури ёввойи табиатда умуман йўқ бўлиб, фақат хонаки шароитлардагина қолди.

Иккинчи миң йилликнинг сўнгги юз йиллик инсоният учун фан-техника тараққиёти асри бўлди. Шу билан бирга инсоннинг табиатга таъжовужкорона таъсири, ўрмонларнинг кескин қисқариши, чўла, даштларнинг ўзлаштирилиши, сув ресурслардан пала-партиш фойдаланиш натижасида ер юзида биологик турли-туманликка путур етди.

Ўтган асрда юртимизда чўла ҳудудларининг кенг миқёсда ўзлаштирилиши оқибатида бир қанча ноёб ҳайвон турлари йўқ бўлиб кетди. Афсуски, бузувчи ҳам баъзи ҳайвонларнинг ҳаёти хавф остида. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар қўрилиши? Зоолог ошмағаримиз аҳолини ўнлаш учун қандай илмий излашлар олиб бораёти?

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Зоология институти директори, академик, биология фанлари доктори, профессор Жалолиддин АЗИМОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Жалолиддин Азимович, бузғун уч юзиде фаунанинг қашшоқлашиб бораётгани ҳақида кўп гапиришди. Табиийки, бизнинг ҳудудимиз ҳайвонот олами ҳам бу муаммо четлаб ўтмаган. Айтинчи, фаунаимизнинг ўтмиши ва бугунги ҳолатини мухтаassis сифатида қандай изоҳлайсиз?

— Ҳа, ўзбекистоннинг ўрта Осиёдаги бир қанча биогеографик ўлкалар тутаётган ҳудудда жойлашганининг унинг ҳайвонот оламининг ниҳоятда ранг-баранглигини таъминлайди. Чўла ва саҳролардан иборат кенг текисликлар, тоғу даштлар, ўрмонлар, яйловлар, тўқайзорлар, сув ҳавзалари, маданий ландшафтлари — буларнинг ҳаммаси ўзига хос фауна мажмуаларига эга экотишларни ташкил этади.

Бугун Ўзбекистон фаунасида умуртқали ҳайвонларнинг 667 тури (сув эмизувчилар — 108, қушлар — 432, судралиб юрувчилар — 58, амфибия (сувда ва қуруқликда яшовчи)лар — 3 ва балиқлар — 83) мажмуа бўлиб, умуртқасиз ҳайвонлар турлари эса 15 миңдан ортиқдир.

Табиатдан пала-партиш фойдаланиш, ов қилиш, ўрмонларни қирқиб, тўқайзор, ботқоқликлар, сув ҳавзаларини ўзлаштириш оқибатида фаунаимиздан тур-тур йўлбарси, гепард, туркман қулони, Орол сулаймон балиғи каби жонзотлар умуман йўқ бўлиб кетди. Қоплон, сиртлон, тўхта тувалок, Сирдарё ҳамда Амударёнинг кичик ва катта қуракбурғунлари, Орол бакраси, Уст-юрт ва Бухоро қўйлари, морхўр, қорқақул, ўрта Осиё қўнғузиди, оқшош ўрдак, вишилдоқ тухул, мармар, чуррак, йўрга тувалок, қобғор, хентго тўғаракбоши, Фарғона тарилги калтаксақчаси, Орол мўйлабдори, чўртан сифат оққайроқ каби жонзотлар, айрим моллюска ва фойдали ҳашаротлар йўқ бўлиш хавфи остида қолганлиги аянчи ҳолдир. Яна кўпгина ҳайвонларимиз сони камикин юртимизда, балки минта-

— Айтинчи, дарё ўзланларининг ўзгариши, тўсилиши ҳам фаунага хавф остига қўядими?

— Албатта. Текисликлардаги йирк дарё ўзланларининг ўзгариши, тўқайзорларнинг ақсарият қисми кесиб ташланиши оқибатида сув режимининг ўзгариши ўз навбатида тўқайзорларда яшовчи Бухоро бугўси, тустовўк ва бошқа эндемик турларнинг кескин камайиб кетишига олиб келди.

Йирк гидронингизотлар қурилиши, Орол денгизи сув сатҳининг пасайиб кетиши ва сувнинг ўта шўрланishi сабабли унинг тўб ихтиофаунаси бутунлай қирилиб кетди, қисқичбақасимонлар ва моллюскаларнинг кўпгаб эндемик турлари йўқолиб кетиш ҳолатига келиб қолди.

Дарёлар оқимининг сувий тартибланиши (тўсилиши), йирк сув омборлари ва ирригация тизимларининг барпо этилиши), сув ҳавзаларининг ифлосланиши, четдан келтирилган балиқ турларининг салбий таъсири — маҳаллий ихтио ва малакафауналарнинг яшашига хавф солади.

Оддий мисол. Амударё дельтаси яқин ўтмишда вишилдоқ оқшош, пушти ва жингалак сақоқуш, қорабузов ва бошқа камбўк қушлар макони эди. Бугунга келиб шундай орнитологик аҳамиятга эга бўлган ботқоқларнинг ўз моҳиятини йўқотди.

— Фаунаимизни сақлаб қолтириш учун қандай чора-тадбирлар қўрилиши?

— Истиқлол йилларида ҳудудимиз биохилма-хиллигини сақлаб қолтириш учун бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Республикада олитта тоғ (Хисор, Зомин, Китоб, Нурота, Сурхон, Чотқол) учта чўла-тўқай (Қизилқум, Бада-Тўқай, Зарафшон) қўриқлари, иккита миллий боғ (Зомин, Уғом-Чотқол), тўққизта буротмаҳона (Ананасов, Денгизқўй, Қорақирғи, Қорақўл, Қорнабўл, Қўшрабат, Сайғоқли, Сармиш, Судочев) ва 2 та табиий ёдгорликдан (Вардонэе, Ёёёвон) иборат экологик тармоқ ҳайвонот оламининг мажмуий муҳофазасига ва унинг ресурсларидан барқарор фойдаланишга хизмат қилади. Шунингдек, эндемик турларнинг, наикин юртимизда, балки минта-

қада камбўк ҳисобланган ҳайвонларни қўлайтириш, уларни сақлаш ва реинтродукция қилиш билан шуғулланувчи «Жайрон» эко-маркази ҳам алоҳида муҳофазалангани ҳудуд ҳисобланади.

Бу масканларда «Қизил китоб»га киритилган Бухоро бугўси, морхўр, Қизилқум арқари, Қўк суғур, йирк йиртқич қушлар, ҳашаротлар ҳимоя остига олинган.

Республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат бионасрати бош бошкармаси ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Зоология институти томонидан ҳудудимиз фаунасида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги қушларни (итолги, йўрга тувалок) сувий шароитда қўлайтириш ва табиат қўйнига қўйиб юбориш ишлари амалга оширилди.

— Ўзбекистонда фауна хилма-хиллигини сақлашнинг қонуний асослари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида» (1992 й), «Алоҳида муҳофазаси қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (1993 й.), «Ҳайвонот оламини муҳофазаси қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 й.) каби қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чоралари тўғрисида»ги қарорлари, «Ўзбекистон Республикасига йиртқич қушлар олиб келиниши ва уларнинг четга чиқарилишини тартибга солиш тўғрисида»ги (1996 й.) ва бошқа қонуний ҳужжатлари ҳудудимиз биохилма-хиллигини, флора, фаунасини муҳофазалашда гоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамалякатиимиз 1995 йилда «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилган, республика ўзининг миллий биологик ресурсларини муҳофазаси қилиш учун халқаро ҳамжамият олдидан жавобгардир.

Ўзбекистон 1997 йилда «Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги

ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида»ги Конвенцияни (CITES) имзолаган, 1998 йилда эса «Қўчи юрвчи ҳайвонлар турларини муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги (Бонн-СМС) ва 2001 йилда «Халқаро аҳамиятга эга, айниқса, сувда сузвчи қушларнинг яшаш жойлари бўлган сув-ботқоқли жойлар тўғрисида»ги (Рамсар) Конвенцияларига қўшилган. Ушбу Конвенциялар доирасида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Биохилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва характер дастури» ишлаб чиқилган. У Вазирлар Маҳкамасининг қарори (№ 139, 1 апрель 1998 й.) билан тасдиқланган. Бу эса биохилма-хилликни сақлаш ва ундан оқилона фойдаланишда амалий ҳужжат сифатида қўлланилиб, ихобий натижалар бермоқда.

Зоология фанининг барча йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий соҳаларни ривожлантириш борасида жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотлари ва илмий марказлари билан илмий-техник ҳамкорлик кенг қўламда йўлга қўйилган. Жумладан, Жаҳон табиати муҳофазаси иттифоқи, Биохилма-хиллик конвенцияси, Глобал экологик фонди, БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Исроил, Хитой, Бельгия, Чехия, Япония, Малайзия, Швейцария, Россия, Украина каби мамлакатлар илмий марказлари билан ҳамкорликда ўсимликлар зараркунданларига ва ҳайвонларнинг паразитар касалликларига қарши курашнинг замонавий экологик тоза технологияларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Фауна — ҳар қандай мамлакатнинг миллий бойлиғи. Чунки борлиқ — инсоният-ҳайвонот-ўсимликлар олами битта ҳалқасимон тизимга лудди маржонай тизилиб, ҳаёт кечиради. Бу занжирнинг бир қанча халқасига путур етиши инсониятнинг ҳаётига таъдир солади.

Зеро, фақирлашиб бораётган бу оламини асраш орқали одам ўзи оламини ўзи асрайди.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» муҳбири


Ўзбек каратэ мактаби: ПАРВОЗМИ ЁКИ ИНҚИРОЗ?

Ёшларимизнинг маънан соғлом, руҳан тетик ва баркамол бўлиб улғайишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрнини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Истиклолнинг дастлабки йиллариданқоқ кучга кирган «Жисмоний тарбия ва спорт» тўғрисидаги Қонун, қатор Фармон ва қарорлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ҳамоҳанг тарзда ўтказиб келинаётган ўз босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» Республика спорт ўйинларининг йўлга қўйилиши, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил топиши мамлакатимизда спортда давлат томонидан берилмаётган эътиборнинг намунасиридир.

Юртимизда Олимпия ўйинлари дастуридаги ва ундан жой олмаган жами етмишга яқин спорт турлари тобора ривожланиб бормоқда. Бунга Шарқ яқка курашлари ва қўл жанги санъатини ривожлантириш республика марказининг кейинги йилларда амалга ошираётган ишларини мисол келтириш

мумкин. Яқкакураш спорт турларини ўзида жамлаган ушбу марказнинг асосий мақсади — юртимиздаги Шарқ яқка кураш спорт турларини мувофиқлаштириб, унга қизиққан ёшларни жисмонан чиниққан, мард, жасур, Ватанига, халқига, Президентига содиқ фарзандлар қилиб тарбиялашдан иборат. Шу ўринда ўз тарихига етмиш миңдан зиёд ўғил-қизни жамлаган Республика Каратэ миллий федерацияси фаолияти ҳақида сўз юритмоқчимиз. 1996 йилда ташкил топган мазкур федерация Жаҳон каратэ федерацияси тасмайлари, қридаларига асосланган ҳолда иш юритиб келмоқда. Ўтган ўн йил ичида қатор ютуқларга эришилди. Камчиликлар ҳам йўқ эмас, албатта.

Шу ўринда орта қолган ўн йиллик даврга эътиборингизни қаратмоқчи эдик. Биз кўркак кериб, қанчалар керилмайлик, йўналишимиз бўлган Жаҳон каратэ федерацияси қоидалари асосида ва мазкур халқаро спорт ташкилоти ўтказган жаҳон чемпионатларида бирор марта терма жамоа аъзолари айтарли натижа кўрсатишмаган. Ҳъни, ВКФ йўналиши бўйича биздан жаҳон



чемпионлари чиқмаган — фақатгина София Каспулатованинг 2002 йил Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қўлга киритган бронза медалини ҳисобга олмагадими. Мана, сизга ўн йиллик натижа. Негадир ўша пайтдаги мутасаддилар ўзлари танлаган йўналишдан четга чиқиб, терма жамоа билан халқаро майдонда ўнчалик обрўга эга бўлмаган Халқаро каратэ ташкилоти, Бутунжаҳон аънавий каратэ ассоциацияси ўтказган жаҳон чемпионати ва биринчиликларига қатнашиб келган. Агар таъқвондо мисолида олиб қарайдиган бўлсак, Ай-ти-эфчиларнинг ВТФ ёки ГТФ йўналишларидаги мусобақаларда қатнашиши ажабланарли ҳол.

Тўғри, Отабек Қосимов, Нодир Хўжаев, Иштиёр Шарапов сингари каратэчилар жаҳон чемпиони бўлишган. Фақат миллий федерация аъзоси бўла туриб ВКФ йўналишида эмас, бошқа йўналишда. Ўз иш фаолиятини ВКФ қоидалари асосида олиб бораётган Республика каратэ миллий федерацияси эса бу ютуқларни тан олмайди. Тўғри-да, Жаҳон каратэ федерациясига аъзо бўла туриб бошқа спорт ташкилотларидан панох изласак, 2004 йил ВКФ бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида биронта натижа бўлмаганининг сабаблари ҳам шунда.

Хар икки йилда ўтказилган жаҳон чемпионати бу гал Финляндияда бўлиб ўтди. Шояд, фин ўлкасидаги мусобақалар бизга омад олиб келса. Чунки, иш янгила услубда олиб боришмоқда. Битта мисол, шу пайтга та терма жамоага жалб қилинган каратэ устаслари давлат томонидан берилмаётган моддий ёрдам пулларини ўз вақтида тўлиқ олишмаган. Хатто, бу ҳақда билмайдиганлар ҳам бор. Республика каратэ миллий федерацияси янги раҳбарият тарбиби бундай муаммога чек қўйиб, уларнинг ана шу таъминот пулларини олишини тўлиқ йўлга қўйди. Айни пайтда қайфияти чоғ терма жамоа аъзолари халқаро майдонда фақат галаба қозониш учун машғулларга зўр беришмоқда.

Қаҳрамон БОТИРОВ

Ўзбекистондаги биохилма-хилликнинг ҳаёти хавф остида

Ўзбекистондаги биохилма-хилликнинг ҳаёти хавф остида

— Бу байрамга, — дейди уста, — дунёнинг кўпгина мамлакатларидан темирчилар тақлиф этилди, улар қўриқ-танловда қатнашиб, маҳоратларини намойиш қилдилар, улар билан давра суҳбати ўтказилди. Биз қатнашган танловда мамлакатимиз байроғи ҳўлпираб тургани диллимизни равшан этди. Фахрилик ўзини олди. Мен бу байрамда ўғлим Шавқатдин билан ўзбек ҳўнармандчилиғи аришган маҳоратни намойиш этганидан фахрланаман.

Ҳа, қадриятларимиз қайта қаддини ростилаган мустақиллик йилларида уста Шокирга ўшаган қатор ярамқаларда ҳам иштирок этиб, металлдан ишланган асарларини намойиш этганди. Бу гал уста касб-кор мусо-

Мулкчилик шаклидан қати назар, қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШИ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Наманган вилоятида қурилиш режалаштирилган қуйидаги объектга танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очик танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти, Чуст туманидаги НамДУ қошидаги 720/100 ўринли академик лицей.

Буюртмачи: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уйда жойлашган Академик лицейлар қурилиш республика инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-371) 393-11-84, 396-69-73.

Қурилиш ишлари Академик лицейлар қурилиш республика инжиниринг компаниясига ажратилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

МАЛАКАНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБОРЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚУЙИЛАДИ:

- Ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга;
Фўқаро ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш воқолатига;
Шундай танлов предмети объектларида ишлаш таърибасининг мавжудлиги;
Ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектларида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилган ишлар ҳажми (фойз ҳисобиди);
2004-2006 йилларида ҳар йили ўз кучи билан 1 млрд. сўмдан кам бўлмаган пулрат ишларини бажарганлик.
Қайта ташкил бўлаган (ажратилган, қўшилиш), тузилгани ёки мол-мулкларни хатланган, банкрот ёқасида турган, шунингдек тақсис ақтлари, молиявий иштироки, ҳолднинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талаборларнинг танлов савдоларида иштирок этишлари-га йўл қўйилмайд.

«Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВИНГ

бевақт вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти жамоаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВИНГ

бевақт вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти жамоаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВИНГ

бевақт вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти жамоаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВИНГ

бевақт вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Navigation and contact information for 'OZBEKISTON OVOZI' newspaper, including sections for BOSH MUHARRIR, SAHIFALOVCHI, and various regional offices.